# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • http://xs.uz • E-mail: Info@xs.uz • 2014 йил 10 апрель, № 69 (5999) Пайшанба


## БУЮК СОҲИБҚИРОНГА ЭҲТИРОМ

*Мамлакатимиз истиқлолга эришгач, Амир Темур шахси Ватан ва миллат тимсолига айланди. Истиқлолимизнинг ҳар бир тадбирида, мустақил давлатимизнинг ҳар бир қадамида бу буюк зот руҳи бизга ҳамроҳу ҳамнафас бўлиб келмоқда. Зеро, Президентимиз таъкидлаганларидек: “Буюк шахсларни тарих яратади, дейдилар. Бунга қўшимча қилиб соҳибқирон бобомизнинг суронли ҳаётини хаёл кўзгусидан ўтказиб, буюк шахсларни миллат қайғуси, халқ дарди яратади, дейиш мумкин. Умрининг мазмунини “Миллатнинг дардларига дармон бўлишдан иборат” деб билган Амир Темур халқимизнинг ана шундай ардоқли, улуғ фарзандидир”.*

ҒУРУР



Ўзлигимизни англаш, тарихимизни чуқур ўрганиш, буюк аждодларимиз хотирасини эъзозлаш борасидаги изчил ва кўламли хайрли ишлар барчамиз, айниқса, ёшларимиз учун алоҳида ибрат бўлмоқда. Ана шундай эзгу саъй-ҳаракатлар самараси туфайли Амир Темур шахси, жаҳон тарихидаги ўрни, халқимиз, Ватанимиз олдидаги хизматлари асл мақомига қайтди. 1996 йил мамлакатимизда “Амир Темур йили” деб эълон қилинди, Соҳибқирон таваллудининг 660 йиллиги халқаро миқёсда кенг нишонланди, Тошкент, Самарқанд ва Шаҳрисабз шаҳарларида муҳташам ҳайкаллари қад ростлади. Улуғ бобомиз шарафига орден таъсис этилди. Шунингдек, халқаро Амир Темур жамғармаси фаолияти йўлга қўйилди. 2011 йили Президентимиз таклифи билан “Темур тузуклари” асари мукаммал ҳолда, юксак сифат билан янгидан чоп этилди. Бугун миллатимиз ғурурини кўкларга кўтарган буюк Амир Темур сиймоси улуғланиб, унинг адолат, ҳақиқат ва юртни ҳар жиҳатдан тараққий эттиришдек нурли орзуси ўз рўёбини топмоқда.

(Давоми 2-бетда).



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИДА

*Бугун, 10 апрель куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн тўртинчи ялпи мажлиси очилади.*

Кеча Олий Мажлис Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда ишчи гуруҳ раҳбарининг бўлажак ялпи мажлисни ўтказишга тайёргарлик тўғрисидаги ахбороти тингланди.

Сенат қўмиталарининг раислари қўмиталарнинг мажлислари ўтказилганлиги ҳамда ўн тўртинчи ялпи мажлис муҳокамасига киритилган қонунлар юзасидан хулосалар ва бошқа масалалар бўйича қарорларнинг лойиҳалари тайёрлиги ҳақида ахборот бердилар, ялпи мажлис ишини ташкил этиш тўғрисида фикр алмашдилар.

Кенгаш мажлисида Олий Мажлис Сенатининг бўлажак ялпи мажлисида муҳим масалалардан бири Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қонунчилик ташаббуси тартибида парламент муҳокамасига киритилган “Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддаларига)”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқишдан иборат бўлиши қайд этилди. Ушбу ҳужжат, аввало, давлат ҳокимияти тизимини янада демократлаштириш, давлат бошқарувининг энг муҳим принципларини амалга оширишнинг конституциявий механизмларини такомиллаштириш — ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд тармоқлари мустақиллиги ва тенглиги, ваколатлари мутаносиблигини, улар ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати тизимининг самарали ишлашини таъминлашга қаратилган. Сенатнинг ялпи мажлисида “Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддаларига)”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”-ги Қонунни ҳам кўриб чиқиш режалаштирилмоқда.

Кенгаш аъзолари Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш доирасида ишлаб чиқилиб, Сенатнинг ялпи мажлиси муҳокамасига киритилаётган, сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг ҳамма соҳаларини изчил ислоҳ қилиш ва либераллаштиришга қаратилган Ўзбекистон Республикаси қонунларининг муҳимлигини ҳам кўрсатиб ўтдилар.

(Давоми 2-бетда).

ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ

*Ўзбекистон яна бир нуфузли халқаро спорт анжуманига мезбонлик қилмоқда. Пойтахтимизда спорт гимнастикаси бўйича ўсмирлар ўртасидаги XIII Осиё чемпионати бошланди.*

## Тошкентда катта спорт байрами

Қитъамизнинг 22 давлатидан 120 нафардан зиёд спортчилар иштирок этаётган мазкур нуфузли мусобақада ўн учта медаллар жамланмаси ҳамда шу йил Хитойнинг Нанкин шаҳрида ўтказиладиган II ўсмирлар Олимпиадаси йўлланмалари учун баҳс олиб борилади.

Кеча Гимнастика саройида чемпионатнинг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Кейинги йилларда мамлакатимизда кўплаб қитъа ва жаҳон миқёсидаги нуфузли мусобақалар юқори савияда ўтказиб келинмоқда. Хусусан, 2004, 2005, 2011 ҳамда 2012 йилларда бадиий гимнастика бўйича Жаҳон кубоги босқичлари, шунингдек, 2010 ва 2013 йилларда Осиё чемпионати пойтахтимизда муваффақият билан ташкил этилди.

Таъкидлаш жоизки, спорт гимнастикаси бўйича бундай йирик мусобақага юртимиз илк бор мезбонлик қилмоқда. Уни Тошкентда ўтказиш ҳақидаги қарор 2012 йилда Осиё гимнастика федерациясининг Ижроқўм йиғилишида эълон қилинганди. Бу ҳам Ўзбекистоннинг халқаро майдонда катта обрў-эътиборга эга экани, мамлакатимизда ҳар қандай спорт анжуманларини ўтказиш имконини берадиган инфратузилма мавжудлиги, ташкилотчилик борасида бой тажриба тўплангани, гимнастикани ривожлантиришда улкан натижалар қўлга киритилаётганининг яққол тасдиғидир.

Албатта, ютуқларга ўз-ўзидан эришилмайди. Эгалланган ҳар қандай марра замирида заҳматли меҳнат ва саъй-ҳаракатлар мужассамдир. Шу маънода, Ўзбекистоннинг кўплаб соҳалар қатори спортда ҳам шон-шуҳрати тобора ортиб бораётгани болалар спортини изчил ривожлантиришга берилаётган катта эътиборнинг амалий самараси, десак, муболаға эмас.

Бугун нафақат шаҳарларимизда, балки олис қишлоқларимизда ҳам кўплаб замонавий спорт иншоотлари, халқаро талаблар даражасидаги марказлар, спорт заллари фаолият кўрсатмоқда.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ташкил этилган Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан биргина ўтган йилда жамғарма маблағлари ҳисобидан 113 та спорт иншооти ва сузиш ҳавзаси, 55 та болалар мусиқа ва санъат мактаби қурилиб, фойдаланишга топширилди. Ушбу объектларнинг 132 таси қишлоқ жойларда ишга туширилди. Бу мақсадлар учун 210 миллиард 400 миллион сўмлик маблағ йўналтирилди.

(Давоми 4-бетда).

## САЙЛОВ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ ЙЎЛИДА

*Тошкентда Марказий сайлов комиссияси томонидан Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти билан ҳамкорликда давра суҳбати ташкил этилди. Унда “Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддаларига)”ги Қонуннинг сайлов тизимини янада демократлаштиришга тааллуқли қоидалари атрофлича кўриб чиқилди.*

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

Давра суҳбати иштирокчилари — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти мутахассислари, илмий тадқиқот ва олий ўқув муассасалари вакиллари, ҳудудий сайлов комиссиялари аъзолари, сиёсий партиялар фаоллари, эксперт ва журналистлар Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан парламент муҳокамасига киритилган ушбу Қонун алоҳида аҳамиятга эга эканини таъкидлади. Уларнинг фикрига кўра, Конституцияга киритилган тузатишлар давлат ҳокимиятининг янада демократлашуви, унинг мустақил тармоқлари ўртасида ваколатларнинг қайта тақсимланиши, улар ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати тизими ривожланиши, шунингдек, сайлов тизимининг янада такомиллашувининг муҳим омилига айланади.

Бунда асосий принциплари мустақиллик, қонунийлик, коллегиаллик, ошкоралик ва адолатлиликдан иборат бўлган Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг фаолиятини ташкил этишнинг конституциявий асосларини белгилайдиган Конституциянинг 117-моддасига таклиф этилаётган тузатишларга алоҳида эътибор қаратилди.

Тадбирда Конституцияга киритилаётган тузатишлар мамлакатимизда сайлов тизимини либераллаштириш ва демократлаштириш бўйича амалга оширилаётган ўзгаришларнинг мантиқий давоми бўлганлиги таъкидланди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 2010 йилнинг ноябрь ойида қабул қилинган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси сайлов қонунчилиги аниқ мақсадга йўналтирилган тадрижий ривожланишининг муҳим омилига айланди.

(Давоми 2-бетда).

## Кенг кўламли тиббий ислоҳотлар самараси

“Ўзэкспомарказ”да бўлиб ўтаётган “Соғлиқни сақлаш — TIHE 2014” тадбирларида яққол намоён бўлмоқда

ХАЛҚАРО КЎРГАЗМА

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирликлари, Савдо-саноат палатаси, “Ўзфармсаноат” давлат-акциядорлик концерни, “Ўзтибтехника” масъулияти чекланган жамияти, Стоматологлар уюшмаси билан ҳамкорликда ўтказилаётган ушбу кўргазманинг очилишида сўзга чиққан соғлиқни сақлаш вазири А. Алимов ва бошқалар мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида тиббиёт соҳасига қаратилаётган юксак эътибор ва бу борада амалга оширилаётган улкан чора-тадбирлар юксак самара бераётганлигини алоҳида қайд этди.



Бугун Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизимини халқаро талабларга жавоб берадиган даражада ривожлантириш давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. Зеро, ҳар қандай мамлакатнинг тараққиёти унда истиқомат қилувчи аҳоли манфаатлари ва фаровон ҳаётига қай даражада эътибор берилаётганлигига боғлиқ.

(Давоми 2-бетда).

«BANKEXPO — 2014»

*Кеча пойтахтимиздаги “Кўргазма-савдо маркази” мажмуида банк хизматлари, ускуналари ва технологиялари VII йиллик “BankExpo — 2014” миллий кўргазмаси ўз ишини бошлади.*



## Ўзаро ишонч ва амалий ҳамкорлик гарови

Мазкур тадбир Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси, Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси, Ўзбекистон банклар ассоциацияси билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Кўргазмада мамлакатимизнинг барча тижорат банклари, йирик суғурта, лизинг ва инвестиция компаниялари ўзларининг энг янги технология ва хизматларини намойиш этишмоқда.

Тадбирнинг очилиш маросимида таъкидланганидек, мамлакатимиз молия-банк тизимида изчил амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида ушбу соҳада улкан ижобий ўзгаришлар юз бермоқда.

(Давоми 3-бетда).

# БУЮК СОҲИБҚИРОНГА ЭҲТИРОМ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бу ҳақда шу кунларда соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 678 йиллиги муносабати билан мамлакатимизнинг барча ҳудудларида ўтказилаётган маънавий-маърифий анжуманларда алоҳида сўз юритилаяпти. Хусусан, кеча пойтахтимиздаги Амир Темур хиёбонида ҳам ана шундай тадбир бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Сенат аъзолари, турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари, юртимизда фаолият юритаётган дипломатик корпус вакиллари, олимлар, ижодкорлар, ота-оналар, маҳалла фаоллари, ўқитувчи ҳамда талаба-ёшлар иштирок этди.

Тадбирда халқаро Амир Темур хайрия жамғармаси раиси, Темурийлар тарихи Давлат музейи директори Нозим Ҳабибуллаев, Корея Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Ли Ук Хён, Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Саййид, темуршунос Ҳаким Сатторий ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ўзлигимизни англаш ва миллий ғуруримизни тиклашга қаратилган ислоҳотлар жараёнида Амир Темурнинг ўлмас номи, жаҳон тараққиётига қўшган беқиёс ҳиссасини ўрганиш, бой маънавий меросидан ёшларни ватанпарварлик, миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашда кенг фойдаланиш юзасидан бетимсол ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади.

Жорий йилнинг “Соғлом бола йили” деб номланиши ва бу борада Давлат дастури қабул қилиниб, унда ҳаётимиз фаровонлигини таъминлашга қаратилган хайрли мақсадлар кўзда тутилганлиги барчамизни қувонтиради. Чунончи, келажак авлодга ғамхўрлик кўрсатиш, юртни обод этиш Амир Темур бобомизнинг ҳам олий мақсади эди.

Амир Темур шахсиятига бўлган беқиёс ҳурмат борасида Президентимизнинг “Юксак маънавият — енгилмас куч” асарида шундай иқтибос келтирилади: “Шахсан мен “Темур тузуклари”ни ҳар гал ўқир эканман, худдики ўзимга қандайдир руҳий куч-қувват топгандек бўламан. Ўз иш фаолиятимда бу китобга такрор-такрор мурожаат қилиб, ундаги ҳеч қачон эскирмайдиган, инсон маънавияти учун бугун ҳам озиқ бўладиган ҳикматли фикрларнинг қанчалик ҳаётий эканига кўп бор ишонч ҳосил қилганман. Масалан, “Тажрибамда кўрилганким, азми қатъий, тадбиркор, ҳушёр, мард ва шижоатли бир киши мингта тадбирсиз, лоқайд кишидан яхшироқдир”, деган сўзлар бугунги кунда ҳам маънавий жиҳатдан нақадар долзарб аҳамиятга эга экани барчамизга аён”.



Биз истиқлол йилларида Амир Темур мероси, ҳаёти ва фаолиятини чуқур ўргандик. Унинг инсоний жасоратидан, азму шижоатидан ғурурландик. Зеро, рўйи заминнинг сайқали бўлмиш Самарқандда, Шаҳрисабз, Бухоро, Тошкент ва жаҳоннинг бошқа ҳудудларида соҳибқирон томонидан бунёд этилган нодир меъморий обидалар унинг буюк зот эканлигидан далолат бериб турибди.

Тадбир иштирокчилари Амир Темур ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйишди.

Тантанада Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х. Султонов иштирок этди.

Шу куни Темурийлар тарихи Давлат музейида “Буюк аждодлар мероси — барҳаёт” номли кўргазма ўз ишини бошлади.

**Мақсуд ЖОНИХОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Булар жумласига “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги (янги таҳрирда), “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”-ги, Судьяларнинг малака ҳайъатлари тўғрисидаги низомни (янги таҳрирда) тасдиқлаш ҳақидаги, “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари киради.

Ялпи мажлисда Олий Мажлис Сенатининг, Олий Мажлис Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)нинг 2013 йилдаги фаолияти тўғрисидаги масалалар, Ҳисоб палатасининг, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2013 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2013 йилда давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органлар фаолиятидаги қонунийликнинг ҳолати тўғрисидаги ахбороти кўриб чиқилади.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг ваколатларига кирувчи бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Муҳокама қилинган барча масалалар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг тегишли қарорлари қабул қилинди.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Олий Мажлиси Сенатининг**
**Матбуот хизмати.**

# «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Сингапурни Марказий Осиё билан боғлади




*Бутун дунё бўйлаб шаҳарларни ва халқларни бир-бирига боғлаётган “Ўзбекистон ҳаво йўллари” Миллий авиакомпанияси “Тошкент — Сингапур” йўналишида мунтазам ҳаво қатновини очди.*

БИЗ ВА ЖАҲОН

— Янги ҳаво қатновининг очилгани Сингапур ва “Changi” аэропорти учун жуда муҳим воқеа ҳисобланади, — деди **Сингапурдаги “Changi” аэропорти раҳбари Ли Сью Иянг.** — Чунки у Сингапур ва Марказий Осиё ўртасида ҳаво кўпригини ҳосил қилгани ҳолда, бизнес ва сайёҳлик учун янги имкониятларни яратди. Тобора ўсаётган саноатлаштириш жараёни натижаси ўлароқ, Ўзбекистон Марказий Осиёда энг тез ривож топаётган мамлакат ҳисобланади. 2006 йилдан бери юртингиз ялпи ички маҳсулоти ўсиш суръатлари Европа ва Марказий Осиёдаги бошқа ривожланаётган бозорларга нисбатан юқори кўрсаткичларни намоён қилмоқда. Ҳаво транспорти халқаро ассоциацияси томонидан яқинда эълон қилинган маълумотларда ҳам қайд этилишича, Ўзбекистон ўзининг барқарор иқтисодий ривожланиши боис 2017 йилга бориб, халқаро авиайўловчи ташиш ҳажми бўйича дунёдаги энг тез ўсувчан бозорлардан бирига айланади.

Ишончимиз комилки, Сингапур ва Тошкент ўртасида янги авиақатновнинг очилиши нафақат икки мамлакат иқтисодий алоқаларининг мустаҳкамланишига, шу билан бирга, Осиё-Тинч океани минтақаси ва Марказий Осиё ўртасидаги йўловчи қатновлари кўламининг янада кенгайишига ҳам кўмаклашади.

**Сингапурнинг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Зулкифли Бахарудин** икки давлат ўртасида янги авиайўналиш очилишининг аҳамияти ҳақида фикр билдираркан, бу икки томонлама муносабатларнинг барча қирраларини янада ривожлантиришга катта туртки бериши муқаррар эканлигини қайд этди.

— Бой тарих ва маданият, улуғвор меъморчилик, гўзал иқлим, турфа ва тансиқ ўзбек таомлари кўп миллатли Сингапур аҳолисида катта қизиқиш уйғотишига шубҳа йўқ, — деди у. — Мамлакатимиздаги ҳар бир этник гуруҳ, у хоҳ малай, хоҳ хитой, хоҳ ҳинд гуруҳи бўлсин, Ўзбекистонда исталган неъматни топади ва унда ўзи учун бетакрор янги дунёни кашф қилади.

Янги ҳаво қатновининг очилиши муносабати билан бўлиб ўтган тантанали маросимда тадбир иштирокчиларига “Шодлик” ашула ва рақс ансамбли санъаткорларининг ўзбек миллий қўшиқ ҳамда рақсларидан иборат маданий дастур намойиш этилди. Улар, шунингдек, ўзбек амалий санъати усталарининг ижодий ишлари ҳамда республикамиздаги салобатли меъморий ёдгорликларни акс эттирган суратлар кўргазмаси билан ҳам яқиндан танишдилар.

Юртимиз сайёҳлик салоҳияти, “Ўзбекистон ҳаво йўллари” Миллий авиакомпаниясининг кенг қамровли йўловчи ташиш имкониятлари ва унинг замонавий ҳаво лайнерлари тармоғи ҳақидаги ҳужжатли лавҳалар ҳам тантанали маросим қатнашчиларида улкан қизиқиш уйғотди.

**«Жаҳон» АА.**
Сингапур

АНЖУМАН

*Бугун ҳеч бир соҳа ривожини илм-фан ютуқларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Айниқса, иқтисодиёт тармоқлари фаолиятини янада такомиллаштириш, ишлаб чиқаришга инновацион технологияларни кенг жорий этиш юқори ўсиш суръатларини таъминлашга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.*

# Инновацион технологиялар ва илмий ишланмалар

## иқтисодиётимиз ривожига хизмат қилмоқда

Шу боис мамлакатимизда мазкур соҳада илмий изланишлар олиб бораётган тадқиқотчи олимлар, хусусан, иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Фарғонада Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ижроси доирасида ташкил этилган илмий-амалий анжуманда шу ҳақда сўз борди. “Иқтисодиётимизнинг ривожланишида янги инновацион технологияларнинг ўрни”мавзуидаги мазкур тадбирда вилоятдаги олий ўқув юртлари, касб-ҳунар коллежларида таҳсил олаётган, ижодий жамоаларда меҳнат қилаётган 100 нафарга яқин ёшлар илмий изланишлари билан қатнашди.

Анжуманда ўтган йили вилоятдаги олий ўқув юртлари иқтидорли талабаларининг мингдан зиёд фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқот ишлари чоп этилгани, уларнинг 30 дан зиёди бевосита иқтисодиёт тармоқлари ривожига қаратилгани ҳамда мазкур ишланмалар республика инновацион ярмаркалари, кўргазмаларида кенг намойиш қилингани алоҳида қайд этиб ўтилди.

— Тадбирда “Сут маҳсулотларининг модернизацияланган технологияси ҳамда сут маҳсулотларининг кимёвий таркиби бўйича сертификатлаштириш муаммоларини татбиқ қилиш” мавзуидаги илмий ишим билан қатнашдим, — дейди Фарғона политехника институти магистри Шаҳло Домуллажонова. — Тадқиқотларим тадбир қатнашчилари, жумладан, тадбиркор ва фермерларда ҳам катта қизиқиш уйғотди.

Анжуманда, шунингдек, ёшларнинг бундай истиқболли лойиҳаларини амалиётга кенг жорий этиш юзасидан таклиф ва мулоҳазалар ҳам билдирилди.

**Набижон СОБИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# САЙЛОВ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ ЙЎЛИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Унга мувофиқ, икки палатали парламентга сайловни қонун талаблари ва умумэътироф этилган халқаро принциплар ва стандартларга тўла мувофиқ тарзда ўтказишни таъминлаган “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги, “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида”ги қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Давра суҳбати иштирокчилари таъкидлаганидек, Марказий сайлов комиссияси мақомининг конституциявий даражада мустаҳкамланиши, шунингдек, у ўз фаолиятини доимий асосда амалга ошириши ва ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикасининг сайлов тўғрисидаги ҳамда референдум тўғрисидаги қонунларига ва бошқа қонун ҳужжатларига амал қилиши лозимлиги белгилаб қўйилиши сайловларнинг демократиклиги, очиқлиги ва ошкоралигини, уларни ўтказишда қонунийликни ҳар томонлама таъминлашнинг яна бир муҳим кафолатидир.

Экспертларнинг фикрича, “Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддаларига)”-ги Қонуннинг қабул қилиниши демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти қуриш йўлида амалга оширилаётган тизимли ислоҳотларга ўзаро узлуксиз боғлиқ ҳолда миллий сайлов тизимини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Давра суҳбати якунида Конституцияга киритилаётган сайлов тизими билан боғлиқ янги нормаларнинг мазмун-моҳияти ҳақида жамоатчиликни кенг хабардор қилиш юзасидан тегишли тавсиялар қабул қилинди.

**(ЎзА).**

# Кенг кўламли тиббий ислоҳотлар самараси

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шу маънода, Соғлом бола йилида соғлиқни сақлаш муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга 407 миллиард сўмдан кўпроқ маблағ ажратилиши кўзда тутилганлигининг ўзиёқ бу борадаги ишлар кўлами нақадар кенглигини кўрсатади. Давлат дастури доирасида янги тиббиёт муассасаларини қуриш ва замонавий асбоб-ускуналар билан таъминлаш, тиббий хизмат сифатини юксалтиришга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилади.

Кўргазма доирасида илк марта “Тиббиёт туризми” шуъбаси ҳам ташкил этилди. Унда “University Medical Center Freiburg” (Германия), “Kardiolita” (Литва) ва “Acibadem Hospitals Group” каби тиббиёт муассасалари соғломлаштириш хизматлари билан иштирок этмоқда.

Бу йилги халқаро кўргазмада жаҳоннинг 22 мамлакатидан 150 га яқин компаниялар қатнашмоқда. Австрия, Беларусь, Бельгия, Буюк Британия, Германия, Ҳиндистон, Италия, Хитой, Литва, Голландия, Польша, Руминия, Словакия, АҚШ, Ўзбекистон, Украина, Чехия, Швейцария, Жанубий Корея, Япония шулар жумласидандир.

Кўргазманинг энг оммабоп экспозицияси бўлган “Соғлиқни сақлаш — TIHE” ҳар йили замонавий тиббиётнинг долзарб муаммоларини, Ўзбекистон соғлиқни сақлаш тизими тараққиёти йўналишлари ва суръатларини акс эттиради. “TIHE” иштирокчилари орасида хориж компаниялари ва мамлакатимиздаги ўнлаб етакчи компанияларни кўришимиз мумкин. Булар тиббиёт ускуналарини ишлаб чиқарувчилар, етказиб берувчилардир. Хусусан, жаҳонга машҳур “Toshiba”, “Samsung”, “Medison”, “BTL”, “Draeger”, “Pentax”, “Fujifilm” ва бошқа шу каби компаниялар энг янги техник, технологик, илмий ютуқларини намойиш этаяпти.

Бу йилги халқаро кўргазмада жаҳоннинг 22 мамлакатидан **150** га яқин компаниялар қатнашмоқда.



Биласиз, саломатликни муҳофаза этиш учун фармацевтика технологиялари, воситалар, препаратлар ва вакциналар қўлланилади. Ўз навбатида, доимий равишда уларнинг янгилари ишлаб чиқилади ва такомиллаштирилади. Тадбир доирасида бўлиб ўтаётган “AptekaExpo Central Asia — 2014” тўққизинчи Марказий Осиё ихтисослаштирилган кўргазмаси экспозицияси фармацевтика саноати сифат жиҳатдан янгиланганлигини кўрсатади. Шунингдек, “Стоматология — Stomatology Uzbekistan — 2014” кўргазмасида эса тиш даволаш техникаси ускуналари ва материаллари жамланган. Махсус стендлар орқали замонавий протезлаш, тиш касалликларини даволаш технологияларини кўриш имкони яратилган. Бу тажрибали ҳамда эндигина фаолият бошлаётган шифокорларнинг, стоматология билан боғлиқ барча соҳалар мутахассисларининг илмий ва амалий салоҳиятини оширишга кўмаклашади.

Стоматологик ускуналар ишлаб чиқарувчилар орасида маҳаллий компанияларимиз ҳам борлиги кишини қувонтиради. “Tibbiy texnologiyalar”, “Premium technics”, “Avicon med”, “Denismed”, “Intermed innovation”, “Stekloplastik”, “As-farm”, “Shifo-NUR” каби компанияларимиз маҳсулотлари сифати ва нархи арзонлиги билан ажралиб туради.

— Бугун кўплаб жаҳон фармацевтика саноати бўйича фаолият олиб бораётган муассасалар Ўзбекистон бозорида иштирок этишни хоҳлайди ва бу борада мамлакатимиз тадбиркорлари билан ҳамкорлик қилмоқда, — дейди “Intermed innovation” компанияси менежери Умид Мамутов. — Кўргазма ҳам юртимизда иқтисодий, ижтимоий, маиший жабҳалар қатори тиббиёт соҳасининг жадал ривожланаётганлигини кўрсатади.

Мазкур тадбирлар, шак-шубҳасиз, мамлакатимизга хориж сармоясини жалб этиш, фармацевтика, стоматология ва тиббиёт туризмини янада ривожлантириш, хорижликлар билан ҳамкорликда қўшма корхоналар ташкил қилишда муҳим аҳамият касб этади.

**М. ЎРОҚОВ.**

Ш. ШАРАПОВ, Ҳ. ПАЙДОЕВ олган суратлар.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

# Ўзаро ишонч ва амалий ҳамкорлик гарови

Айниқса, кейинги йилларда эришилган молиявий барқарорлик ва юқори ўсиш суръатлари халқаро нуфузли ташкилотлар томонидан юксак баҳоларга сазовор бўлаётгани эътиборга лойиқдир. Ўтган йили тижорат банкларининг жами капитали 25 фоиз кўпайиб, айни пайтда молия муассасалари капиталининг етарлилик даражаси 24,3 фоизни ташкил этаётгани, бу эса банк назорати бўйича Базель қўмитаси томонидан 8 фоиз этиб белгиланган талабдан уч баробар кўплиги ана шундан далолат беради.

Сўнгги пайтларда банк хизматларидан фойдаланиш даражаси ҳам ўсиб бораётгани, айниқса, диққатга сазовор. Хусусан, юртимизда ҳар юз минг катта ёшдаги аҳолига 49,7 та банк муассасаси тўғри келаётгани, ҳар минг киши номига 1 минг 28 та банк ҳисобрақами очилгани халқаро нормалар бўйича "юқори" деган баҳо кўрсаткичига мос келади.

Кўргазмада тижорат банкларининг мижозларни кредитлаш шартлари, хизмат кўрсатиш тартиблари кенг тарғиб қилиниб, уларда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш даражаси, қисқача айтганда, мижозлар билан ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини инобатга олсак, бу борадаги ишлар янада жадаллашиши аниқ. Айтайлик, очиқ акциядорлик тижорат "Алоқабанк" томонидан таклиф этилаётган "Мойбанк" хизмати фойдаланувчиларга бир қанча қулайликлар яратади. Жорий йил бошидан амалиётга татбиқ этилган мазкур хизмат ёрдамида мижоз ўз телефони воситасида ҳисобидаги пул маблағларини бошқариш имкониятига эга бўлади. Шунингдек, у орқали ҳеч қандай комиссия ҳақисиз коммунал, телефон, интернет ва бошқа тўловларни амалга ошириш мумкин. Айни пайтда бу тизим мижозларнинг эҳтиёжидан келиб чиқиб, янада такомиллаштирилмоқда.

— Мамлакатимизда кредитлар ажратиш тартиб-қоидалари ва шартларининг йилдан-йилга соддалаштирилаётгани аҳоли билан иш жараёнини яхшилашда айни муддао бўлмоқда, — дейди "Ипотека-банк" акциядорлик тижорат ипотека банкининг Ипотека ва истеъмол кредитлари бошқармаси бош мутахассиси Азамат Музаффаров. — Масалан, жорий йилдан эътиборан кредитлар Марказий банк томонидан белгиланган ставка асосида имтиёзли фоизларда тақдим этилаяпти. Ўтган уч ой давомида банкимиз томонидан биргина ёш оила ва аёлларга маиший техника ҳамда уй жиҳозлари сотиб олишлари учун 2 миллиард сўмликдан зиёд сармоя ажратилди. Кўргазмада иштирокчиларга ана шундай қулай шартли кредитларимизнинг афзалликлари ҳақида батафсил маълумот бераяпмиз.

— Албатта, бугунги жадал ривожланаётган даврни замонавий ахборот технологияларисиз тасаввур этиш мушкул, — дейди "Ҳамкорбанк" очиқ акциядорлик тижорат банкининг Маркетинг бошқармаси етакчи мутахассиси Шамшодбек Ғозиев. — Шундан келиб чиқиб, биз мижозларга энг илғор технологиялар ёрдамида хизмат кўрсатишга интилаяпмиз. Буни, аввало, мижозлар учун ўзига хос маълумотлар базаси ҳисобланган сенсорли табло мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Чунки ундан банкимизга ташриф буюрган ҳар бир мижоз мустақил равишда, банк ходимига мурожаат қилмай, банкимиз филиаллари манзили, телефон рақамлари, кўрсатилаётган хизматлар, омонатлар шартлари, кредит олиш тартиб-қоидалари сингари ўзини қизиқтирган саволларга жавоб излаши мумкин.

Айни пайтда мамлакатимиз тижорат банклари капиталининг етарлилик даражаси

**24,3** фоизни ташкил этаяпти. Бу эса банк назорати бўйича Базель қўмитаси томонидан белгиланган талабдан уч баробар юқоридир.




Кўргазмада бугунги кунда тадбиркорлик субъектлари вакилларини қўллаб-қувватлашда банклар билан яқин ҳамкорлик қилиб келаётган Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Савдо-саноат палатаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Ҳунарманд" уюшмаси каби ташкилотлар ҳам фаол иштирок этаяптики, бу ҳам ишбилармонлар, айниқса, ёш мутахассислар учун келгусида ўз бизнесини йўлга қўйиб олишларида ёрдам бериши, шубҳасиз.

"Соғлом бола йили" Давлат дастури ва Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорида илгари сурилган вазифалар ижросини таъминлаш жорий йилги тадбирнинг асосий йўналиши бўлиб, таълим муассасаларининг тадбиркорликни бошлаш истагидаги битирувчиларига бу борада яратилган имкониятлар хусусида батафсил маълумот берилмоқда.

Кўргазмада, шунингдек, банк ходимлари ва олимлар иштирокида "Гаров реестри тўғрисида"ги Қонуннинг мазмуни, аҳамияти ва талаблари" ҳамда "Электрон тижоратни ривожлантиришнинг ҳуқуқий асослари: "Электрон тижорат тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг янги таҳрири" мавзуида давра суҳбатлари, тадбиркорлар билан очиқ мулоқотлар ташкил этилади.

Бундан ташқари, чекка ва аҳоли зич жойлашган туманларда фаолият юритаётган кичик бизнес вакиллари, ишлаб чиқариш корхоналари, деҳқон ва фермер хўжаликлари, ёш тадбиркорларнинг бандликни таъминлашга хизмат қилувчи лойиҳалари бўйича ўтказилган танловлар ғолибларига молия муассасаларидан имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи 200 дан зиёд сертификат топширилади.

Банк хизматлари, ускуналари ва технологиялари VII йиллик "BankExpo — 2014" Миллий кўргазмаси фаолияти бугун ҳам давом этади.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Бахтиёр АКРАМОВ олган суратлар.

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги*

## ЎЗБЕКИСТОН НЕФТЬ МАҲСУЛОТЛАРИ ВА ГАЗДАН ФОЙДАЛАНИШНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ДАВЛАТ ИНСПЕКЦИЯСИ

**Тадбиркорлик субъектларининг мавжуд муаммолари тўғрисидаги мурожаатларини қабул қилиш, уларнинг қонуний ҳақ-ҳуқуқлари муҳофаза этилишини таъминлаш бўйича**

**«ИШОНЧ ТЕЛЕФОНЛАРИ» ВА «ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИ» ҲАҚИДА**

**МАЪЛУМОТ**

| Т/р | Почта индекси | Ҳудудий бўлим | Манзил | Мурожаат учун телефон |
|---|---|---|---|---|
| 1. | 100000 | «Ўздавнефтгазинспекция», Марказий аппарат | Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Мирзо Улуғбек кўчаси, 32-«А» уй | (8-371) 268-44-46 |
| 2. | 100000 | Тошкент шаҳар ҳудудий бўлими | Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Мирзо Улуғбек кўчаси, 32-«А» уй | (8-371) 268-09-49 |
| 3. | 100000 | Тошкент вилояти ҳудудий бўлими | Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Мирзо Улуғбек кўчаси, 32-«А» уй | (8-371) 267-84-89 |
| 4. | 230100 | Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий бўлими | Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳри, Бердақ гузари, 177-«А» уй | (8-361) 224-25-04 |
| 5. | 170100 | Андижон ҳудудий бўлими бош технологи | Андижон шаҳри, Миллий тикланиш кўчаси, 69-уй | (8-374) 224-35-00 |
| 6. | 200100 | Бухоро ҳудудий бўлими бош технологи | Бухоро шаҳри, Отабек Эшонов кўчаси, 12-уй | (8-365) 221-51-41 |
| 7. | 130100 | Жиззах ҳудудий бўлими бош технологи | Жиззах шаҳри, Кимёгар маҳалласи, Югай кўчаси, 1-уй | (8-372) 222-80-29 |
| 8. | 210100 | Навоий ҳудудий бўлими | Навоий шаҳри, Навоий кўчаси, 19-уй | (8-436) 223-40-78 |
| 9. | 160100 | Наманган ҳудудий бўлими | Наманган шаҳри, Навоий кўчаси, 39-уй | (8-369) 233-03-73 |
| 10. | 140100 | Самарқанд ҳудудий бўлими | Самарқанд шаҳри, Беруний кўчаси, 65-уй | (8-366) 234-27-07 |
| 11. | 120100 | Сурхондарё ҳудудий бўлими | Термиз шаҳри, Ф. Хўжаев кўчаси, 17-уй | (8-376) 223-09-96 |
| 12. | 190100 | Сирдарё ҳудудий бўлими | Гулистон шаҳри, Шароф Рашидов кўчаси, 127-уй | (8-367) 225-14-18 |
| 13. | 180100 | Қашқадарё ҳудудий бўлими | Қарши шаҳри, Б. Шерқулов кўчаси, 8-уй | (8-375) 225-04-01 |
| 14. | 150100 | Фарғона ҳудудий бўлими | Фарғона шаҳри, Аэропорт кўчаси, 11-уй | (8-373) 226-00-60 |
| 15. | 220100 | Хоразм ҳудудий бўлими бош технологи | Урганч шаҳри, Ал-Хоразмий кўчаси, 27-уй | (8-362) 226-63-29 |

*«Очиқ эшиклар куни» — ҳар ҳафта жума куни.*

*«Ишонч телефонлари» орқали мурожаат қилган шахснинг исми-шарифи сир сақланиши кафолатланади.*

566R/36

• ЭЪЛОН •

**«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**

**Сирдарё вилояти филиали**

*бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.*

**1.** Аукцион савдосига Янгиер шаҳар СИБ томонидан ЖИБ Янгиер шаҳар судининг 2013 йил 23 декабрдаги 1-196/2013-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Янгиер шаҳри, Алишер Навоий кўчасида жойлашган, майдони 523,0 кв.м.дан иборат 0001-литердаги меҳмонхона биноси арзонлаштирилган ҳолда такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 503 486 163 сўм.***

**2.** Аукцион савдосига Янгиер шаҳар СИБ томонидан ЖИБ Янгиер шаҳар судининг 2013 йил 23 декабрдаги 1-196/2013-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Янгиер шаҳри, Мамадалиев кўчасида жойлашган, майдони 268,0 кв.м.дан иборат 0002-литердаги савдо маркази ва майдони 192,0 кв.м.дан иборат 0003-литердаги савдо маркази арзонлаштирилган ҳолда такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 265 383 946 сўм.***

**3.** Аукцион савдосига Янгиер шаҳар СИБ томонидан ЖИБ Янгиер шаҳар судининг 2013 йил 23 декабрдаги 1-196/2013-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Янгиер шаҳри, Мамадалиев кўчасида жойлашган, майдони 268,0 кв.м.дан иборат 0001-литердаги савдо маркази, майдони 375,0 кв.м.дан иборат 0004-литердаги ертўла ва майдони 82,20 кв.м.дан иборат 0005-литердаги новвойхона биноси арзонлаштирилган ҳолда такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 296 640 607 сўм.***

**4.** Аукцион савдосига Янгиер шаҳар СИБ томонидан Сирдарё вилояти хўжалик ишлари бўйича судининг 2010 йил 17 сентябрдаги 12-1003/77286-сонли, 2011 йил 21 февралдаги 12-1103/8-сонли, 2012 йил 7 майдаги 12-1203/7011 (27.1)-сонли ижро варақаларига асосан хатланган, «Баланд қанотлар» МЧЖга тегишли, Янгиер шаҳри, Маърифат маҳалласи, Алишер Навоий кўчасида жойлашган, қурилиш майдони 1263,73 кв.м., фойдаланиш майдони 967,84 кв.м. бўлган кинотеатр биноси ва иншоотлар арзонлаштирилган ҳолда такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 232 795 123 сўм.***

Аукцион савдоси 2014 йил 29 апрель куни соат 11.00 да Гулистон шаҳри, «Бизнес маркази» биноси мажлислар залида бўлиб ўтади.

Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2014 йил 25 апрель куни соат 18.00.

Кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Сирдарё вилояти филиалининг ДАТ (ОАЖ) «Асака» банки Сирдарё филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609006, МФО: 00373, СТИР: 207122519.

**Савдолар ўтказиладиган манзил: Гулистон шаҳри, Ўзбекистон шоҳкўчаси, 3-уй, 3-қават, 58-хона. Телефон: (8-367) 226-38-91. www.1kms.uz**

Хизматлар лицензияланган.

569R/1453

## Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти

**2013/2014 ўқув йилида бакалавриат йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича битирувчиларни ҳамкорлик шартномалари ҳамда буюртмалар асосида иш жойларига тақсимлашга киришганлигини маълум қилади.**

**Маълумот учун телефон: (8-371) 230-28-52. Факс: (8-371) 230-28-15. Манзил: 100164, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Яланғоч даҳаси, 127-«А» уй.**

***2013/2014 ўқув йилида Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтини битираётган ёш мутахассислар тўғрисида маълумот***

| Т/р | Таълим йўналишлари номи | Коди | Битирувчиларнинг умумий сони | Шу жумладан: Жами грант | Шу жумладан: Жами тўлов-шартнома | Тошкент шаҳри Г | Тошкент шаҳри Ш | Тошкент вилояти Г | Тошкент вилояти Ш | Наманган вилояти Г | Наманган вилояти Ш | Фарғона вилояти Г | Фарғона вилояти Ш | Андижон вилояти Г | Андижон вилояти Ш | Жиззах вилояти Г | Жиззах вилояти Ш | Самарқанд вилояти Г | Самарқанд вилояти Ш | Бухоро вилояти Г | Бухоро вилояти Ш | Навоий вилояти Г | Навоий вилояти Ш | Сирдарё вилояти Г | Сирдарё вилояти Ш | Сурхондарё вилояти Г | Сурхондарё вилояти Ш | Қашқадарё вилояти Г | Қашқадарё вилояти Ш | Хоразм вилояти Г | Хоразм вилояти Ш | Қорақалпоғистон Республикаси Г | Қорақалпоғистон Республикаси Ш | Хорижий мамлакатлар Г | Хорижий мамлакатлар Ш |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | БАКАЛАВРИАТ | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 1. | Актёрлик санъати (драматик театр ва кино актёрлиги санъати) | 5210300 | 24 | 6 | 18 | 1 | 7 | | 2 | 1 | 1 | 1 | 3 | | | | | 1 | 2 | | | | 1 | 1 | | | 1 | 1 | 1 | | | | | | |
| 2. | Актёрлик санъати (мусиқий театр актёрлиги санъати) | 5210300 | 29 | 11 | 18 | 1 | 2 | 1 | 2 | 1 | 3 | 1 | 1 | 2 | 3 | | | 2 | 2 | | | 1 | | | 1 | | 1 | 2 | 3 | | | | | | |
| 3. | Актёрлик санъати (қўғирчоқ театр актёрлиги санъати) | 5210300 | 27 | 10 | 17 | | 1 | 3 | 4 | 1 | 3 | | 1 | 3 | 1 | | | 1 | 1 | | 4 | | | | | | 1 | 2 | | | 1 | | | | |
| 4. | Актёрлик санъати (эстрада актёрлиги санъати) | 5210300 | 41 | 12 | 29 | 4 | 18 | 4 | 4 | | | | | | | | 1 | | 3 | 1 | 1 | | 2 | 1 | | | | 2 | | | | | | | |
| 5. | Техноген санъати (кино, телевидение, радио ва театр томошалари овоз режиссёрлиги) | 5211400 | 12 | 4 | 8 | 2 | 5 | | 2 | | | | | | | | | | | | | | | | | | | 1 | | 1 | | | 1 | | |
| 6. | Техноген санъати (кинотелеоператорлик) | 5211400 | 11 | 5 | 6 | 3 | 5 | 1 | | | | | | | | | | | | | 1 | | | | | 1 | | | | | | | | | |
| 7. | Режиссёрлик (кино, телевидение ва радио режиссёрлиги) | 5210400 | 21 | 5 | 16 | 2 | 10 | 1 | 4 | 1 | | | | | | | | | 2 | | | | | | | | | | | 1 | | | | | |
| 8. | Режиссёрлик (мусиқий театр режиссёрлиги) | 5210400 | 6 | 1 | 5 | | 1 | | | | 2 | | | | | | | | | | 1 | | | | | | | 1 | 1 | | | | | | |
| 9. | Режиссёрлик (драма режиссёрлиги) | 5210400 | 4 | 4 | | 4 | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 10. | Халқ ижодиёти (оммавий байрамлар режиссураси) | 5810500 | 28 | 10 | 18 | 3 | 7 | 4 | 2 | | 5 | | | | 1 | 1 | | 1 | 3 | | | | | | | 1 | | | | | | | | | |
| 11. | Ижтимоий маданий фаолият | 5810400 | 72 | 24 | 48 | 8 | 22 | 1 | 8 | | 2 | 1 | | | 1 | | 3 | 7 | | 1 | 2 | 2 | 3 | | | 2 | | 1 | 3 | 1 | 3 | | 1 | | |
| 12. | Ижтимоий иш (фаолиятнинг турли соҳалари бўйича) | 5760100 | 24 | 10 | 14 | 1 | 6 | | 1 | | | 1 | | 1 | | 1 | 2 | 1 | 3 | 1 | | 1 | | | | 1 | | 2 | 2 | | | | | | |
| 13. | Халқ ижодиёти (халқ ашула ва рақс ансамбли ташкилотчиси) | 5810500 | 28 | 10 | 18 | 2 | 1 | 1 | 1 | | 3 | | 2 | | 1 | | | 2 | 2 | 1 | | 1 | | | 1 | | 2 | 3 | 4 | | 1 | | | | |
| 14. | Халқ ижодиёти (чолғу жамоалари ташкилотчиси) | 5810500 | 9 | 1 | 8 | | | | 2 | | | | | | | | 2 | 1 | 1 | | | | | | 1 | | | | 2 | | | | | | |
| 15. | Халқ ижодиёти (вокал жамоалари ташкилотчиси) | 5810500 | 6 | 2 | 4 | 1 | | | 1 | | | | | | 1 | | | | | | | | | | | | | 1 | 1 | | 1 | | | | |
| 16. | Халқ ижодиёти (фольклор-этнографик жамоалари ташкилотчиси) | 5810500 | 19 | 10 | 9 | 2 | | 1 | 2 | | | 2 | | | | | | 1 | 3 | 1 | | | | | | 1 | 1 | 2 | 2 | | 1 | | | | |
| 17. | Касб таълими (маданият ва санъат) | 5140900 | 60 | 22 | 38 | 6 | 18 | 6 | 4 | | 1 | | 1 | | | | 1 | | | | | | | 1 | 1 | 1 | 7 | 6 | 4 | 2 | 1 | | | | |
| 18. | Санъатшунослик (санъатшунослик журналистикаси) | 5210200 | 28 | 7 | 21 | 3 | 7 | | | | 1 | | 1 | | | | 1 | 1 | 2 | | 1 | | | | | 1 | 5 | 2 | 1 | | 2 | | | | |
| 19. | Санъатшунослик (театршунослик) | 5210200 | 12 | 4 | 8 | | 4 | | | 1 | | 1 | | | 1 | | | | | | 1 | | | | | 2 | | | 1 | | 1 | | | | |
| 20. | Санъатшунослик (саҳна ва экран санъати драматургияси) | 5210200 | 10 | 4 | 6 | | 1 | 1 | 1 | | 1 | | 1 | | 1 | | | 1 | | | 1 | 1 | | | | | | 1 | | | | | | | |
| | **Жами** | | **471** | **162** | **309** | **43** | **115** | **24** | **40** | **5** | **22** | **7** | **10** | **6** | **10** | **2** | **10** | **19** | **24** | **5** | **12** | **6** | **6** | **3** | **4** | **10** | **18** | **27** | **25** | **5** | **11** | | **2** | | |
| | МАГИСТРАТУРА | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 1. | Драма театри ва кино актёрлиги | 5A150301 | 5 | 2 | 3 | | 2 | | | | | | | | | 1 | | | | | | 1 | 1 | | | | | | | | | | | | |
| 2. | Эстрада актёрлиги санъати | 5A150301 | 4 | 1 | 3 | | | | | | | | | | 1 | | 1 | | | | | | | | | | | | 1 | 1 | | | | | |
| 3. | Режиссёрлик (оммавий тадбирлар режиссёрлиги) | 5A150401 | 5 | 1 | 4 | | 3 | 1 | | | | | | | | | | | | | | | | | 1 | | | | | | | | | | |
| 4. | Кинооператорлик | 5A151501 | 2 | 1 | 1 | 1 | 1 | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 5. | Маданиятшунослик | 5A610401 | 4 | 1 | 3 | 1 | 1 | | 2 | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 6. | Ижтимоий-маданий фаолиятни ташкил этиш | 5A610402 | 11 | 3 | 8 | 2 | 2 | | | | | | 1 | | | | 1 | | | | | | | | | | 2 | 1 | 2 | | | | | | |
| 7. | Маданият ва санъат соҳаси менежменти | 5A151701 | 3 | 1 | 2 | | | | | | | | 1 | | 1 | | | | | | | | | | | 1 | | | | | | | | | |
| 8. | Овоз режиссёрлиги | 5A151401 | 2 | 1 | 1 | 1 | 1 | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | **Жами** | | **36** | **11** | **25** | **5** | **10** | **1** | **2** | | | | **2** | | **2** | **1** | **2** | | | | | **1** | **1** | | **1** | **1** | **2** | **1** | **3** | **1** | | | | | |
| | **Институт бўйича жами битирувчилар сони** | | **507** | **173** | **334** | **48** | **125** | **25** | **42** | **5** | **22** | **7** | **12** | **6** | **12** | **3** | **12** | **19** | **24** | **5** | **12** | **7** | **7** | **3** | **5** | **11** | **20** | **28** | **28** | **6** | **11** | | **2** | | |

393R/184

# Тошкентда катта спорт байрами





Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган суратлар.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Мамлакатимизда ҳозирги кунда 2 миллионга яқин бола спортнинг 30 дан зиёд тури билан мунтазам шуғулланмоқда. Уларнинг 842 минг нафарга яқини қизлардир.

...2014 йил, 9 апрель. Пойтахтимиздаги Гимнастика саройи байрамона безатилган. Иштирокчи мамлакатларнинг давлат байроқлари ҳилпираб турибди.

Чорлов садолари остида майдонга Осиё чемпионати қатнашчилари кириб келади.

Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазири М. Ҳожиматов ва бошқалар Ўзбекистонда кўплаб соҳалар қатори спорт, жумладан, болалар спортини ривожлантиришга қаратилаётган доимий эътибор юксак самаралар бераётганини таъкидлади. Юртимиз вакиллари қўлга киритаётган ютуқларни алоҳида эътироф этди.

Дарҳақиқат, юксак даражадаги ғамхўрлик туфайли мамлакатимиздан кўплаб иқтидорли спорт гимнастикачилари етишиб чиқмоқда. Улар нуфузли халқаро мусобақаларда муносиб иштирок этиб, Ватанимиз номини улуғлашга ўз ҳиссаларини қўшишмоқда. Чунончи, 2007 йилда мазкур спорт тури бўйича Германияда ўтказилган жаҳон чемпионатида ҳамюртимиз Антон Фокин бронза медалини қўлга киритди. 2008 йилда Пекин шаҳрида ўтказилган XXIX ёзги Олимпиада ўйинларида бир йўла икки вакилимиз — Антон Фокин ва Екатерина Хилько совриндорлар сафидан жой олди. 2009 йилда Германия давлати мезбонлик қилган жаҳон кубоги босқичида Анна Савкина ҳамда Екатерина Хилько олтин медаль билан тақдирланди.

2010 йилда Японияда ўсмирлар ўртасида ташкил этилган Осиё чемпионатида Дилноза Абдусалимова ва Эдуард Шаулов муваффақиятли иштирок этиб, Сингапурда бўлиб ўтган биринчи ўсмирлар Олимпиадасида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлди. Айнан ўша йили Гуанчжоу шаҳрида ўтказилган Осиё ўйинларида Ўзбекистон хотин-қизлар терма жамоаси бронза медалини қўлга киритди. Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Ўсмирлар ўртасидаги XIII Осиё чемпионатида Ватанимиз шарафини ўн нафар (беш нафар қиз) умидли гимнастикачимиз ҳимоя қилмоқда. Улар орасида Турдихон Исломова, Вероника Орлова, Тимур Қодиров ва Элёр Исломов каби бир қатор халқаро турнирлар ғолиблари бор.

Осиё чемпионатида ўғил болалар ўнта, қизлар тўққизта олимпия йўлланмаси учун рақобатлашади. Белгиланган қоидаларга биноан бир мамлакат вакилларига кўпи билан иккита йўлланма берилади.

Мусобақанинг тантанали очилиш маросимида катта концерт дастури намойиш этилди.

**Фазлиддин АБИЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

ТАДБИР

*Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан Тошкент шаҳри экологиясига бағишланган матбуот анжумани ташкил этилди. Унда мамлакатимиз пойтахтида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиатга инсон омили таъсирини камайтириш юзасидан амалга оширилаётган ишлар ҳақида сўз юритилди.*

# Атроф-муҳит мусаффолиги — долзарб масала

Маълумки, Тошкент кейинги йилларда том маънода мегаполис шаҳарлардан бирига айланиб, бу ерда аҳоли сони муттасил ортмоқда. Қурилаётган замонавий ва кўркам иншоотлар шаҳар қиёфасини тубдан ўзгартираяпти. Бу эса, ўз навбатида, шаҳар табиатини янада асрабавайлашни тақозо қилаётир. Пойтахтимиз бетакрор флора ва фауна дунёси билан ҳам алоҳида ажралиб туради. Бу ерда умуртқали ҳайвонларнинг 200 га яқин, дарахт ва буталарнинг 220 турини учратиш мумкин. Шаҳарнинг яшил майдонлари ҳудуди эса 15,2 минг гектарни ташкил этади. Бошқача айтганда, Тошкентнинг 30 фоизи яшиллик билан қопланган.

Соҳа мутахассислари таъкидлаганидек, инсон ва табиат ўртасидаги муносабатларни уйғунлаштириш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалаларини ижобий ҳал этиш бугунги куннинг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади. Чунки эндиликда атроф-муҳитнинг антропоген таъсир оқибатида ифлосланиши дунё мамлакатларига нафақат иқтисодий зарар келтираяпти, балки ижтимоий масалаларни ҳам юзага чиқармоқда. Шу боис ҳозирги кунда пойтахтимизнинг санитария-эпидемиологик ҳолатини яхшилаш ва ҳудудларда тозаликни сақлаш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Айтайлик, пойтахтимизда йилига 630 минг тоннага яқин маиший, қарийб 50 минг тонна саноат чиқиндилари пайдо бўлади. Шуларни инобатга олган шаҳар Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси мутасаддилари чиқиндиларнинг фуқаролар ҳаёти ва саломатлигига, атроф-муҳитга етказаётган салбий таъсирининг олдини олиш, чиқиндиларни турларга ажратиш, уларни йиғиш ва ташкилий равишда олиб чиқиб кетиш ишларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Бунда, албатта, миллий қонунчилик ва халқаро ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижроси муҳим аҳамият касб этаяпти. Шунга қарамай, ҳали қилиниши лозим бўлган ишлар талайгина. Ўтган йил давомида суд органларига табиатга ноқонуний муносабатда бўлган саноат корхоналари фаолиятини тўхтатишни сўраб 3 та тақдимнома киритилгани, 3 та ҳужжат эса жиноий иш қўзғатиш учун шаҳар прокуратурасига юборилгани, 1389 киши маъмурий жавобгарликка тортилгани бунинг тасдиғидир.

Тадбирда пойтахтимиз экологиясини яхшилаш, хусусан, “Ботаника” боғида амалга оширилаётган ободонлаштириш ишлари ҳақида ҳам батафсил маълумот берилди.

**Д. ЖУМАБОЕВ.**

# Ёш мусиқачиларимиз муваффақияти

*Жорий йилнинг 27 март — 3 апрель кунлари Чехия Республикасида бўлиб ўтган, “Праганинг мўъжизавий юлдузлари” деб номланган VI анъанавий халқаро танловда юртимиз ёш истеъдод соҳиблари муносиб иштирок этдилар.*

ХУШХАБАР

Гап шундаки, ушбу танловда пойтахт вилоятининг Чирчиқ шаҳридаги 7-болалар мусиқа ва санъат мактабининг 11 нафар ўқувчиси эътироф қозониб, муваффақиятга эришди. Жаҳоннинг ўттиздан зиёд мамлакатидан келган ёш ижодкорлар орасида ҳамюртларимиз ўзларининг имкониятларини тўлиқ намоён қилдилар. Фортепьяно йўналишида мактабнинг 2-синф ўқувчиси Темур Мираҳмедов танлов Гран-Присини қўлга киритган бўлса, болалар либослари намойишида 1-синф ўқувчиси Севинч Мирғуломова биринчи ўринни эгаллади. Шунингдек, амалий санъат, вокал, эстрада йўналишларида ҳам ёшларимиз биринчи ва иккинчи ўринларга лойиқ кўрилди.

— Мактабимизда истеъдодли ёшлар кўпчиликни ташкил этади, — дейди таълим муассасаси раҳбари Гулнора Нурматова. — Кўрсатилаётган беқиёс ғамхўрлик ва эътибор эса уларнинг истеъдодига қанот бўлмоқда.

**Баҳриддин ШАЙВАЛИЕВ.**

# Талабаларнинг энг намунали тураржойи

*Пойтахтимизда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Хотин-қизлар қўмитаси томонидан ташкил этилган «Энг намунали талабалар тураржойи» танлови ғолибларини тақдирлашга бағишланган маросим бўлиб ўтди.*

ТАНЛОВ

Тегишли давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари, талаба-ёшлар қатнашган мазкур тадбирда таъкидланганидек, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир. Хусусан, «Таълим тўғрисида»ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг қабул қилиниши ҳамда узлуксиз таълим тизимидаги уч босқичли оммавий спорт мусобақаларининг мунтазам ўтказилаётгани бунинг ёрқин исботидир. Президентимизнинг жорий йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ҳам юртимиз таянчи ва келажаги ҳисобланган баркамол авлодни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш йўлидаги яна бир эзгу ҳаракат бўлди.

— Мазкур танловдан кўзланган асосий мақсад талабалар тураржойларида ижтимоий-маънавий муҳитни барқарорлаштириш, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, уларнинг яшаш шароитини янада яхшилашдан иборатдир, — дейди Хотин-қизлар қўмитаси масъул ходими Г. Асқарова. — Қўмитамиз таклифига асосан, Тошкент шаҳрида жойлашган олий таълим муассасаларининг 94 та талабалар тураржойидаги аҳвол ўрганиб чиқилди. Танловда «Энг намунали талабалар тураржойи», «Энг намунали маънавият хонаси», «Энг намунали қизлар хонаси», «Энг намунали йигитлар хонаси» каби ўнга яқин номинациялар бўйича ғолиблар аниқланиб, уларга эсдалик совғалари топширилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э. Боситхонова сўзга чиқди.

**Омонулла ФАЙЗИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

ЭЪТИРОФ

*ЮНЕСКО томонидан ўтган йили таълим соҳасида ўтказилган «Энг яхши иш тажрибаси» танловида Сирдарё вилоятидаги хорижий тилларга ихтисослаштирилган мактаб-интернат ғолиб, деб топилган эди.*

# Сирдарёлик ўқитувчилар тажрибаси хорижда оммалаштирилмоқда

Сирдарёлик ўқитувчилар томонидан тақдим этилган ушбу дастур халқаро ташкилот томонидан эндиликда Осиё ва Тинч океани мамлакатларидаги мактаблар ўртасида оммалаштириладиган бўлди. Яъни танлов ғолиблари бўлган Ўзбекистон, Ҳиндистон, Хитой, Малайзия ва Бутан давлатлари вакилларининг тажрибаларини мазкур минтақаларга ёйиш учун алоҳида-алоҳида қўлланма ҳолида чоп этилди. Мамлакатимиз вакиллари — мазкур мактаб-интернат ўқитувчилари Феруза Аҳмедова ва Элдор Юсупов ҳаммуаллифлигидаги қўлланма «Бирга яшашни ўрганамиз» шиори остида яратилган бўлиб, у тинчлик, бағрикенглик, миллатлараро тотувлик ҳамда дунё халқлари маданияти ва урф-одатларига ҳурмат тамойилларини таълим-тарбия жараёнларида акс эттиришни кўзда тутади.

Айтиш жоизки, мактаб-интернат 2008 йилдан эътиборан, ЮНЕСКОнинг Бирлашган мактаблар тармоғи аъзоси сифатида мазкур халқаро ташкилотнинг барча тадбирларида фаол қатнашиб келмоқда.

**Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

NBU

республикамизнинг барча ҳудудларида жойлашган банк муассасаларига қарашли бўлган ҳамда фаолият кўрсатаётган махсус кассаларда аҳолидан коммунал ва бошқа тўловлар учун маблағлар қабул қилиш амалга оширилаётганлигини маълум қилади.

*Тўловлар исталган турда амалга оширилади.*

*Ушбу коммунал ва бошқа тўловларни тўлаш учун сиз хоҳлаган куни, жумладан, дам олиш кунлари ҳам соат 8.00 дан 19.00 гача банкнинг махсус кассасига мурожаат этишингиз мумкин.*



Қўшимча маълумотларни
(8-371) 235-42-83, 234-14-14
телефонлари орқали ёки банкнинг исталган бўлим/филиалидан олишингиз мумкин.

WWW.NBU.COM

Хизматлар лицензияланган.

565R/382

• РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР •

Schetchik.Uz

ГАЗ, ЭЛЕКТР ВА СУВ ҳисоблагичлари



Тошкент шаҳри, Мухтор Ашрафий кўчаси, 34-уй.
Мўлжал — Ҳамза тумани электр таъминоти корхонаси.
Тел.: (+99890) 957-51-21, факс: (8-371) 283-66-88.
МАҲСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН. ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН.

243R/190

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 469. 121 605 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмоилов томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Ф. Бўтаев.
Навбатчи — О. Файзиев.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.30 Топширилди — 22.50 1 2 3 4 5